

## VI. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҶА

Мустақиллик йилларида транспорт ва коммуникация тизимини стратегик ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда яратилган самарали транспорт тизими ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва бошқа мамлакатлар билан интеграциялашув омилидир.

**Юк ташиш.** 2020 йил январь-декабрь ойларида автомобил транспорти томонидан 39,9 млн. тонна юк ташилган бўлиб, ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 100,1 % ни ташкил қилди.

Юк айланмаси автомобил транспорти турлари томонидан 851,2 млн. т-км.ни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 102,5 % ни ташкил қилди.

### **Автомобил транспортида юк ташиш ва юк айланмаси** (2020 йилнинг январь–декабрь ҳолатига)

	<b>2020 йил январь-декабрь</b>	<b>2019 йилнинг январь-декабрга нисбатан % ҳисобида</b>
Ташилган юк, <i>млн. тн</i>	39,9	100,1
Юк айланмаси, <i>млн. т-км</i>	851,2	102,5

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобиль транспортида юк айланмасининг ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 100,6 % ни ташкил этди ва 444,1 млн. т-км. га етди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 52,2 % ни ташкил этди (2019 йилнинг январь-декабрь ойларида 51,2 %).


Андижон вилоятининг шаҳар ва туманлари кесимида ташилган юк бўйича етакчи ўринни Андижон шаҳри (17 297,5 минг тонна) эгаллайди. Шу билан бирга, энг юқори кўрсаткичлар Асака (3 302,0 минг тонна) тумани, Андижон (2 897,0 минг тонна) туманларида кузатилди.

**Шаҳар ва туманлар кесимида юк ташиш, минг тонна**  
(2020 йилнинг январь–декабрь ҳолатига)

	<i>Жами ташилган юк минг тонна</i>	<i>2019 йилнинг январь-декабрга нисбатан % ҳисобида</i>	<i>жамига нисбатан улуши, % ҳисобида</i>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>39 909,3</b>	<b>100,1</b>	<b>100,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Андижон	17 297,5	101,3	43,3
Ҳонобод	1 280,0	96,4	3,2
<i>туманлар:</i>			
Андижон	2 550,4	100,8	6,3
Асака	2 738,2	101,0	6,8
Балиқчи	1 753,6	97,4	4,3
Бўстон	853,5	96,0	2,1
Булоқбоши	913,3	100,1	2,2
Жалалқудуқ	1 588,2	98,0	3,9
Избоскан	1 016,5	100,5	2,5
Қўрғонтепа	1 711,4	100,3	4,2
Мархамат	1 344,8	100,2	3,3
Олтинқўл	1 442,7	100,1	3,6
Пахтаобод	1 696,5	99,4	4,2
Улуғнор	885,3	95,5	2,2
Хўжаобод	1 307,6	97,3	3,2
Шаҳрихон	1 529,8	100,7	3,8

Кўрсатилган юк ташишда юқори бўлмаган кўрсаткичлар Бўстон (853,5 минг тонна) Улуғнор (885,3 минг тонна) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

**Ташилган юкнинг умумий ҳажмида шаҳар ва туманларнинг улуши, % да**  
(2020 йил январь-декабрь)



Ҳудудлар бўйича ташилган юкнинг юқори улуши бўйича етакчи ўринни Андижон (43,3 %) шаҳар эгаллади. Шу билан бирга Асака (6,8 %) ва Андижон (6,3 %) туманларида кузатилди.


Вилоятнинг юк айланмаси ҳажмида етакчи ўринни Андижон (267 397,7 минг тонна-км) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга энг юқори кўрсаткич Асака (47 637,0 минг тонна-км), Андижон (41 128,8 минг тонна-км) туманларида кузатилди.

**Шаҳар ва туманлар кесимида юк айланмаси, минг тонна-км**

	<i>минг тонна-км</i>	<i>2019 йилнинг январь-декабрга нисбатан % ҳисобида</i>	<i>жамига нисбатан улуши, % ҳисобида</i>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>851 216,5</b>	<b>102,5</b>	<b>100,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Андижон	361 189,2	103,6	42,4
Хонобод	30 943,8	100,8	3,6
<i>туманлар:</i>			
Андижон	55 129,1	102,2	6,4
Асака	63 841,2	102,5	7,5
Балиқчи	25 987,7	101,0	3,0
Бўстон	16 644,3	100,3	1,9
Булоқбоши	25 887,9	100,6	3,0
Жалалкудук	31 766,2	100,7	3,7
Избоскан	23 804,5	102,4	2,7
Қўрғонтепа	30 443,8	101,9	3,5
Марҳамат	31 195,0	101,6	3,6
Олтинқўл	32 707,4	101,0	3,8
Пахтаобод	39 507,2	101,3	4,6
Улуғнор	19 128,0	100,2	2,2
Хўжаобод	25 136,5	100,9	2,9
Шаҳрихон	37 904,7	101,5	4,4

Кўрсатилган юк айланмасидаги юқори бўлмаган тонна-км қуйидаги шаҳар ва туманларда, Бўстон (16 644,3 минг тонна-км) ва Улуғнор (19 128,0) минг тонна-км туманлари ҳиссасига тўғри келди.

**Ташилган юк айланмасининг умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши, % да  
(2020 йил январь-декабрь)**



Ҳудудлар бўйича ташилган юк айланмасининг юқори улуши бўйича етакчи ўринни Андижон (42,4 %) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга Асака (7,5 %) ва Андижон (6, %) туманларида кузатилди.

Аҳолига, шу жумладан, иқтисодиётнинг барча соҳасида фаолият кўрсатаётган ишчи-хизматчиларга, ўқув муассасаларида таълим олаётган ўқувчи ва талабаларга юқори сифатли транспорт хизматини кўрсатиш, автомобил траснпорти олдида турган энг муҳим масаладир. Бугунги кунда ҳеч бир фуқаро ҳаракатини (бир манзилдан бошқа бир манзилга боришни) транспортсиз тасаввур этиб бўлмайди.

**Йўловчи ташиш.** 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида автомобил транспортининг барча турлари томонидан 637,3 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 89,1 % ни ташкил этди. Йўловчи ташиш айланмасининг ушбу даврда ўсиш суръати 90,0 % га етиб, 11 193,1 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

#### Автомобил транспорт йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	<b>2020 йил январь- декабрь</b>	<b>2019 йилнинг январь-декабрига нисбатан % ҳисобида</b>
<b>Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши</b>	<b>637,3</b>	<b>89,1</b>
<b>Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км</b>	<b>11 193,1</b>	<b>90,0</b>

Жами автомобил транспортдаги йўловчи айланмаси 2019 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 90,0 % га етди ва 11 193,0 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди.

Вилоятнинг туман, шаҳарлар бўйича ташилган йўловчи бўйича етакчи ўринни Андижон (256 004,9 минг киши) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга, энг юқори кўрсаткичлар Асака (68 931,8 минг киши), Андижон (38 539,8 минг киши) туманларида кузатилди.

**Худудлар кесимида йўловчи ташиш, минг киши**  
(2020 йил январь–декабрь ҳолатига)

	<i>минг киши</i>	<i>2019 йилнинг январь-декабрга нисбатан % ҳисобида</i>	<i>жамига нисбатан улуши, % ҳисобида</i>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>637 331,8</b>	<b>89,1</b>	<b>100,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Андижон	256 004,9	91,1	40,1
Хонобод	16 570,6	85,8	2,6
<i>туманлар:</i>			
Андижон	38 539,9	89,8	6,0
Асака	68 931,8	90,1	10,8
Балиқчи	22 943,9	86,7	3,6
Бўстон	9 560,0	83,5	1,5
Булоқбоши	13 384,0	85,0	2,1
Жалалқудук	25 193,3	88,0	3,9
Избоскан	26 767,9	89,1	4,2
Қўрғонтепа	33 541,3	88,5	5,2
Марҳамат	20 594,6	87,2	3,2
Олтинкўл	20 631,9	87,4	3,2
Пахтаобод	24 218,6	86,8	3,8
Улуғнор	16 570,6	82,7	2,6
Хўжаобод	22 943,9	86,7	3,6
Шаҳрихон	20 934,6	88,7	3,2

Кўрсатилган йўловчи ташишда нисбатан унча юқори бўлмаган кўрсаткичлар, Булоқбоши (13 384,0 минг киши) ва Бўстон (9 560,0 минг киши) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

**Ташилган йўловчининг умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши, % да  
(2020 йил январь-декабрь)**



Шаҳар ва туманлар кесимида ташилган йўловчининг юқори улуши бўйича етакчи ўринни Андижон (40,1 %) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга Асака (10,8 %), Андижон (6,0 %) туманларида кузатилди.

Вилоятнинг йўловчи айланмаси ҳажмида етакчи ўринни Андижон шаҳри (4 560,3 млн. йўловчи-км) эгаллади. Шу билан бирга энг юқори кўрсаткич билан Асака (1 198,8 млн. йўловчи-км), Андижон (670,5 млн. йўловчи-км) туманларида кузатилди.




**Шаҳар ва туманлар кесимида йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км**

	<i>млн. йўловчи-км</i>	<i>2019 йил январь- декабрга нисбатан % ҳисобида</i>	<i>жамига нисбатан улуши, % ҳисобида</i>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>11 193,0</b>	<b>90,0</b>	<b>100,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Андижон	4 560,3	93,1	40,7
Хонобод	290,9	86,6	2,5
<i>туманлар:</i>			
Андижон	670,5	89,9	6,0
Асака	1 198,8	90,1	10,7
Балиқчи	401,9	87,3	3,6
Бўстон	167,8	84,4	1,5
Булоқбоши	235,0	85,9	2,1
Жалалқудук	436,5	87,7	3,9
Избоскан	468,1	89,6	4,1
Қўрғонтепа	583,8	88,6	5,2
Марҳамат	358,1	87,3	3,2
Олтинқўл	359,3	87,6	3,2
Пахтаобод	411,1	87,0	3,6
Улуғнор	290,0	83,3	2,6
Хўжаобод	400,1	87,0	3,5
Шаҳрихон	360,1	87,8	3,2

Кўрсатилган йўловчи айланмасидаги унча юқори бўлмаган йўловчи-км Булоқбоши (235,0 млн. йўловчи-км) ва Бўстон (167,8 млн. йўловчи-км) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

**Ташилган йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида  
худудларнинг улуши, % да  
(2020 йил январь-декабрь)**



Шаҳар ва туманлар кесимида йўловчи айланмасининг юқори улуши бўйича етакчи ўринни Андижон (40,7 %) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга Асака (10,7 %), Андижон (6,0 %) туманларида кузатилди.

**Автомобил транспортда юк ташиш, юк айланмаси,  
йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси  
(2020 йил январь-декабрь ойларида)**

